

Макка шаҳрида Бутун дунё Ислom уюшмаси Олий кенгашининг йиғилиши бошланди



12:00 / 08.01.2020 3724

2020 йил 7 январь куни Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида Бутун дунё Ислom уюшмаси Олий кенгашининг 44-давра йиғилиши бошланди. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар беради.

Анжуманда уламолар, муфтийлар, давлат ва дин арбоблари ҳамда халқаро исломий ташкилотлар етакчилари қатнашмоқда.

Олий кенгаш мажлисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ва Дин ишлари бўйича қўмита Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Музаффар Жалиловлар иштирок этмоқда.

Йиғилишнинг асосий мақсади дунё давлатларида тинчлик-осойишталикни таъминлаш, бузғунчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш ва

халқларнинг осуда ҳаётига раҳна солувчи қора кучларнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйиш масаласи илгари сурилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича Саудия Арабистони бош муфтийси Шайх Абдулазиз Оли Шайх, Бутун дунё Ислom уюшмаси бош котиби, доктор Муҳаммад Абулкарим Ийсо ва бошқа бир қатор мартабали кишилар юқоридаги мавзулар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Ушбу анжуман доирасида Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрида жойлашган Халқаро Ислom фикҳи академияси фатволар ишлаб чиқиш, шаръий масалаларга мақбул ечимлар топиш ва замонавий муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш борасидаги хизматлари учун юксак мукофот билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази директорининг ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур Халқаро Ислom фикҳи академиясининг доимий аъзоси ҳисобланади.

Islom.uz портали таҳририяти